

«Askiya dehqon bozori» АЖ
акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши
Б А Ё Н Идан кўчирма

2024 йил 18 апрел
Соат 11-00

Тошкент шаҳри

Ўтказилган жойи: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 52 а уй.

Акциядорларнинг 2023 молиявий йил якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 52 а уй манзилида, жамиятнинг маъмурий биносида 2024 йил 18 апрел куни ўтказилди. Йиғилишда 593164 овозга эга акциядорлар қатнашди, бу жами акциядорларнинг 96,09 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Жамият Устав жамгармасининг 96,03 %га эгалик қилувчи Тошкент шаҳар ҳокимияти номидан ишончнома асосида Тошкент шаҳар “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК, “Бозорлар ва савдо комплекслари Департаменти” бўлим бошлиғи Ш.Ш.Шамансуров қатнашди.

Йиғилиш раёсатига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:

Ш.Ш.Шамансуров – “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК , бўлим бошлиғи,
Камолов Т.К. – Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларини бошқариш маркази” ДУК бош мутахассиси.
Каримов С.Ю. - “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК , бўлим бошлиғи,
Юнусалиев О. – «Аския деҳқон бозори» АЖ директори,

Йиғилиш котибиятига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:

Бойматова Гузал.

Йиғилишга «Аския деҳқон бозори» АЖнинг кузатув кенгаши аъзоси
Каримов С.Ю. раислик қилди.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш;
2. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;
3. Жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботини, жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш;
4. Жамиятнинг 2023 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви хулосасини кўриб чиқиш;
5. Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;
6. Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб варагини тасдиқлаш, унинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
7. Жамиятнинг 2024 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни, ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси”ни тасдиқлаш;
8. Жамият директорининг меҳнат шартномаси масаласи;
9. Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш;
10. Жамиятда ўтказилган Корпоротив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш;
11. Жамиятнинг 2024 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш;
12. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш ва тасдиқлаш.

Йиғилиш раиси Каримов С.Ю. кун тартибидаги масалаларни муҳокама этиш учун овозга кўйди. Ушбу таклиф овозга кўйилди ва йиғилиш қатнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Кун тартибидаги **биринчи масала** юзасидан мажлис раиси тушинтириш бериб йиғилиш саноқ хайъатиغا қуйидаги ходимларни сайланишини таклиф этди.
Ибрагимова Гулчехра, Максудходжаева Малика, Суяндикова Севара Асатилло кизи.

Раислик қилувчи кун тартибидаги барча масалалар кўпчилик овоз билан қабул қилинганини билдирди. Саноқ хайъати баённомаси бир овоздан тасдиқланди.

КУН ТАРТИБИДАГИ БАРЧА МАСАЛАЛАР АТРОФЛИЧА МУХОКАМА ҚИЛИНИБ ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. “Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш”.

Ушбу масалага овоз бериш натижалари:

Ёқлаган 593164 -100%, қарши 0-0%, бетараф 0-0%.

Йиғилиш саноқ комиссияси аъзолари 3 кишидан иборат қилиб қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

Ибрагимова Гулчехра, Максудходжаева Малика, Суяндикова Севара Асатилло кизи.

2. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш;

Ёқлаган 593164 -100%, қарши 0-0%, бетараф 0-0%

Кун тартибидаги асосий масалаларга 10 минутгача, қолган масалаларга 5 минутгача вақт берилиши, сўзга чиқувчиларга ҳар бир масаладан сўнг сўзга чиқиш ва уларнинг ҳар бирига 3 минутгача вақт ажратилиши таклифи тасдиқлансин;

Ёқлаган 593164 -100%, қарши 0-0%, бетараф 0-0%.

3. «Аския деҳқон бозори» акциядорлик жамияти ижроия органи ҳамда Кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи ва улар томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин. (Ёқлаган 593164 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

4. Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан “AUDIT WON” аудиторлик ташкилоти МЧЖнинг 2024 йил 01 мартдаги ижобий аудиторлик ҳулосаси инобатга олинсин.(Ёқлаган 593164 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

5. Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи инобатга олинсин ва тасдиқлансин.(Ёқлаган 593164 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

6. Жамиятнинг 2023 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича фойда ва зарарлар ҳисоб-варағи тасдиқлансин.

6.1. Жамиятнинг 2023 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича фойда ва зарарлар ҳисоб-варағи тасдиқлансин. Жамиятда 2011 йилда бўлган текширув натижасида жамият ҳисоб рақамига йирик миқдорда солиқ тўловлари ва молиявий жарималар натижасида қўйилган К-2 ҳозиргача турганлиги, жумладан, бугунги кун 2024 йил 01 январ ҳолатига жамиятнинг солиқдан 3113234,0 минг сўм, электр энергиясидан 34571.00 минг.сўм, Яккасарой Махсустранидан 13556.0 минг.сўм, жами бўлиб, 5 9914461,0 минг сўм қарздорлик бўлганлиги сабабли жамият томонидан акциядорларга дивиденд тўлаш имкони мавжуд эмаслигини инобатга олиниб, 2023 йилда олинган 8840,0 минг соф фойданинг 50% қисми яъни, 4420,0 минг.сўми жамиятнинг захира жамғармасига ажратилсин ва қолган 50% қисми, яъни 4420,0 минг сўм жамиятнинг моддий-техник базасини тиклашга йўналтирилсин (ёқлаган 593164 - 100 %, қарши - 0-0%, бетараф 0-0%);

7. Жамиятнинг 2024 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин. Жамият ижроия органига «Бизнес режа» параметрларини тўлиқ бажариш чораларини кўриш юклатилсин. (Ёқлаган 593164 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

8. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-760-сонли қонуни талабидан келиб чиқиб, жамият директори О.Юнусалиев билан меҳнат шартнома муддати 3 йилга тузилганлиги инобатга олинсин ва унинг меҳнат шартномасини муддати давом

этирилиши тасдиқлансин (Ёқлаган 593164 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

8.1. Белгилаб қўйилсинки, ҳар йили йил якуни бўйича бўлиб ўтадиган акциядорлар умумий йиғилишида жамият директорининг меҳнат шартномаси масаласи кўриб чиқилади ва бунда меҳнат шартномани давом этирилишига жамият директорининг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариши ҳолатига, ҳар чорак якуни бўйича жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлигига қаралади.

9. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан қуйидагилар сайлансин:

9.1. Расулов Камолитдин Райимбердиевич (жамият устав фондининг 96,03 % акциядори ҳокимият вакили) 593164 та овоз

9.2. Арифов Равшан Абдуллаевич (жамият устав фондининг 96,03 % акциядори ҳокимият вакили) 593164 та овоз

9.3. Алимов Иномжон Саиткулович (жамият устав фондининг 96,03 % акциядори ҳокимият вакили) 593164 та овоз

9.4. Шомансуров Шоаброр Шомахкамovich (жамият устав фондининг 96,03 % акциядори ҳокимият вакили) 593164 та овоз

9.5. Касимов Миршахрух Шавкатovich (жамият устав фондининг 96,03 % акциядори ҳокимият вакили) 593164 та овоз

9.6. Каримов Сардор Юлдашбаевич (жамият устав фондининг 96,03 % акциядори ҳокимият вакили) 593164 та овоз

9.7. Каримов Гофиржон Рузиқулович (мустикал аъзо) 593164 та овоз

9.8. Муратов Шоакбар Шаназарovich (мустикал аъзо) 0 та овоз

10. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари қабул қилинсин ва жамият кузатув кенгаши ҳамда ижроия органига аниқланган камчиликларни бартараф этиш вазифаси юклатилсин. (Ёқлаган 593164 та овоз – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

11. Жамиятнинг 2024 йил фаолияти учун жамият Аудитори этиб “ТЕЗКОР-МАЛАКА-НАТИЖА”МЧДЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп чегараси 6 000.000 сўм миқдори этиб белгилансин. (Ёқлаган 593164 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

12. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига киритилган ўзгаришлар маъқуллансин ва тасдиқлансин. (ёқлаган 593164 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

Баённома имзоланган сана: «27» апрел 2024 йил.

Йиғилиш раиси

С.Каримов

Котиба

Г.Бойматова

Асияга тўғри.
Котиба